• Стахановчилик ҳаракатининг олтин юбилейи • Меҳнат инсонни улуғлайди • Мусобақа—миллионлар ижоди • Ишчи мактубини корхона раҳбари шарҳлайди • Ажаб савдолар

# Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

• ЯГОНА СИЁСИЙ КУНГА

# АВЛОДЛАР ЭСТАФЕТАСИ

**• Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги тўғрисида**

Бугун стахановчилик ҳаракатига бағишланган ягона сиёсий кун бўлиб ўтмоқда. Биз, ёш ишчиларни стахановчилик ҳаракатининг қандай пайдо бўлгани қизиқтира ди. «80-йиллар стахановчилари» ҳақида ҳам маълумот беришларингизни сўраймиз.

А. АКРОМОВА. Д. ШАУРОВ.

**Бу саволларга Тошкент область касаба союзлари Советининг ишлаб чиқариш ва иш ҳақи бўлими мудири В. ШАБАНОВ жавоб беради:**

—1935 йил 30 августдан 31 августга ўтар кечаси Донбасс шахталаридан бири — «Центральная — Ирмино» да ёш Алексей Стаханов олти соатлик бир сменада 102 тонна кўмир қазиди. Бунда у меҳнатнинг новаторлик усулини қўллади. Техникадан моҳирона фойдаланди. Нормани 14 баравар ошириб бажарди. Ҳозирги ветеранлар бу воқеани плакатлардан ва кинохроника лентаалариданггина эслашади. Дўстларнинг ҳаяжонли чеҳралари, уларга узатилган гуллар... Уруш қаҳрамонларини, космосни забт этаётганларни, меҳнат қаҳрамонларини ҳозир ана шундай кутиб оладилар.

Техникани эгаллаш, меҳнат унумдорлигини кўтариш бўйича янги оммавий ватанпарварлик ҳаракатига ана шундай асос солинган эди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларига бу ҳаракат жуда катта таъсир кўрсатди.

Алексей Стахановнинг меҳнат жасорати халқ хўжалигининг барча соҳаларида сон-саноқсиз ташаббускорларни майдонга келтирди. Масалан, автомобиль саноатида Александр Бусигин, ёғоч саноатида Василий Мусинский, пойафзал саноатида Николай Сметанин, тўқимачиликда Евдокия ва Мария Виноградовалар, темир йўл транспортида Петр Кривонос, қишлоқ хўжалигида Паша Ангелина ва Мария Демченколар ана шулар жумласидандир.

Тошкентда стахановчилик ҳаракатининг биринчи издошлари «Ташсельмаш» қуюв цехи қолиплovчиси А. Абдумавлонов, силлиқловчи А. Рудаковский, тўқимачилик комбинатида эса йигирувчи Марҳамат Йўлдошева ва бошқалардир. Хуллас, биронта ҳам саноат, қурилиш корхонаси, транспорт ва алоқа ташкилоти йўқ эдики, бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватламаган бўлишсин.

Стахановчилик ҳаракати социалистик мусобақага қудратли омил бахш этди. Бу ташаббуснинг моҳияти шу бўлдики, новаторона изланишга, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни янада оқилона ташкил этишнинг янги йўлларини дадил излашга, янги техникадан ижодий фойдаланишга даъват этди, бинобарин, халқ хўжалиги йил сайин янги техника билан бойиб борди.

Бу ватанпарварлик ҳаракати тасодифан пайдо бўлгани йўқ, албатта. 30-йилларнинг ўрталарида социалистик бунёдкорлик борасида мамлакатда ажойиб ўзгаришлар рўй бераётган бир пайтда ишчилар ўртасида қонуний суратда пайдо бўлди.

Масалан, ВКП(б) Марказий Комитетининг 1935 йил декабрь Пленумида саноат ва транспортни ривожлантириш масалаларига тўхталиб шундай вазифа қўйилган эдики, стахановчилик ҳаракати меҳнатни янгича ташкил этишни, технологик жараёнларни рационализациялашни, ишлаб чиқаришда меҳнатни тўғри тақсимлашни, иш жойларини яхши ташкил этишни тақозо этиши керак эди. Стахановчилик ҳаракати ишчилар синфининг маданий-техникавий савиясини ошириш, эски техникавий нормаларга барҳам беради. Бир қатор ҳолларда эса меҳнат унумдорлиги бўйича манаман деган капиталистик мамлакатларни ҳам ортда қолдириб кетади...

Стахановча иш усуллари ва рекордлари меҳнатни ва мусобақани ташкил этишда олға ташланган ғоят муҳим қадам бўлди.

Стахановчилик ҳаракати мамлакатимиздаги социалистик бунёдкорликда жуда катта роль ўйнади. Улуғ Ватан уруши йилларида стахановчилик алоҳида аҳамият касб этди, фронт орқасида ишлаб чиқаришнинг таниқли новаторлари катта ютуқларга эришдилар. Уларга минг-минглаб кишилар эргашди. Бу эса фашизм устидан қозонилган Ғалабага ҳар кимнинг энг кўп даражада шахсий ҳисса қўшишига омил бахш этди.

Урушдан кейинги йилларда стахановчилик ва новаторлик ҳаракати меҳнаткашларнинг ижодий кучғайратига янада янги илҳом бахш этди.

50—60-йилларда коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари деган фахрли номни олиш учун мусобақа кенг тус олиб кетди. Кейинчалик фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уни интенсивлаштириш умумхалқ ҳаракати кенг тус олди.

Бугунги кунда «80-йиллар стахановчилари» деб аталаётган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари шу умумхалқ ҳаракатининг ташаббускорлари бўлиб, меҳнат унумдорлиги ва сифатини оширишда ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Шаҳримиздаги «Еттилар ташаббуси»да стахановчилик ҳаракатининг энг яхши анъаналари ривожланди. Бу ҳаракатнинг ташаббускорлари — «Подъёмник» заводининг токари В. Бочков, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. Губина, электрон-техника заводининг созловчиси А. Умаров, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси М. Қодирова ва бошқалар ўн биринчи беш йилликда ўз зиммаларига ўн йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олдилар. Уларнинг кўплари ўз аҳдларига вафо қилиб, икки беш йиллик топшириғини аллақачон адо этишди.

30-йилларнинг стахановчилари — ивановолик опа-сингил тўқувчи Виноградовалар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Улар ташаббуси изидан борган Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўплаб тўқувчилари дастгоҳларга хизмат кўрсатиш зонасини анча кенгайтирдилар. Ҳозирги пайтда Тошкент тўқимачилик комбинатининг ўн уч тўқувчиси Виноградовалар мукофотининг лауреатларидир. Улар орасида тўқувчилар Е. Губина, К. Ёқуббоева, йигирувчилар Шоира Тошматова, Валентина Эргашева ва бошқалар бор.

Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги мамлакатимиз ҳаётидаги шонли ва масъулиятли даврга — КПСС XXVII съездига қизғин тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда тўғри келмоқда. Шаҳримиз ишлаб чиқариш илғорлари ва республика қишлоқ хўжалиги пешқадамлари КПСС XXVII съездини янги ютуқлар билан кутиб олиш даъвати билан чиқдилар. Ўн саккизлар ташаббуси деб ном олган бу янги ватанпарварлик ҳаракати мусобақада янгидан-янги ютуқларга эришишга чорламоқда. Тошкентлик стахановчилар орасида В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчилар бригадаси бошлиғи Иван Басанец, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Каромат Ёқуббоева, «Ташсельмаш» заводи электр-пайвандчиси Дмитрий Атаманов, «Ташавтотехобслуживание»нинг слесарлар бригадири Эркин Носировлар бор.

Уларнинг ташаббусини шаҳарнинг барча меҳнат коллективлари қўллаб-қувватламоқдалар. «КПСС XXVII съезди шарафига —27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги ўзаро социалистик мусобақа стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига ҳамоҳанг суратда кучаймоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон пойтахтининг 12 мингга яқин ишчиси стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги нишонланадиган кунгача беш йилликнинг якунловчи йили планини бажариш мажбуриятини олганлар. Шаҳар қурувчилари ҳам юбилейга яхши натижалар билан келишди. Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини янги, юксак меҳнат натижалари билан кутиб олишга даъват этганлар орасида 1-Тошкент уйсозлик комбинатининг бетончилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Орипов, 159-трестнинг 10-қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчилар бригадаси бошлиғи Н. Ҳакимзянов ва бошқалар бор.

Тошкент область мукофоти лауреати деган юксак номга сазовор бўлган шаҳримизнинг 94 нафар ишлаб чиқариш пешқадамлари стахановчилик ҳаракатининг шонли анъаналарини ижодий давом эттирмоқдалар.

Ҳозир Тошкентда 700 мингдан зиёд киши меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида ва социалистик мусобақада иштирок этяпти. Шундан 340 мингдан зиёд киши коммунистик меҳнат зарбдори, 2800 цех, 6673 бригада, бир қатор корхоналар коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олган.

Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шуни кўрсатиб турибдики, социалистик мусобақанинг тарихи жуда бойдир. Бу шонли анъаналар илдизи халқ ўртасида 30-40-йилларга бориб тақалади. Бу юбилей мамлакатни ва республиканинг социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш борасида олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш борасида шаҳар меҳнат коллективларининг ўзига хос тайёргарлик кўриги бўлиб қолади.

**Сўраган экансиз...**

## АРМИЯ ХИЗМАТИДАН ҚАЙТГАЧ

**Мен яқинда Совет Армияси сафидан қайтиб келдим. Бизга ўхшаган шахсларга иш жойидан қанча ишлагач отпуска берилади?**

**Р. КАРИМОВ.**

Собиқ ҳарбий хизматчиларга, шу жумладан армия хизмати тугагандан сўнг ўзи аввал ишлаган корхона, муассаса ва ташкилотига ишлашга қайтиб келган шахсларга ҳам умумий асосларда, яъни иш бошлаган дастлабки йилнинг ўн бир ойи ўтганидан кейин отпускалар берилади. Бундан кейинги йилларда эса отпускалар графиги бўйича уларга отпускалар берилади. Лекин, уюштирилган набор бўйича (меҳнат шартномалари тузиш пайтида ва комсомол ташкилотларининг йўлланмаси билан) ишга юборилган ҳарбий хизматчилар бундан истиснодирлар.

• Маҳсулот сифати—корхона кўзгуси

# БРАК ВА ЖАРИМА

Мен Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7-цехида ишлайман. Бизнинг цехимиз аёлларнинг сумкаларини ишлаб чиқаради. Яқин пайтларгача ишимиз дуруст эди. Биз тайёрлаган сумкалар магазин пештахталарида ортиқча туриб қолмай, ўз вақтида сотиларди. Бу йилдан эса сумкаларимиз магазинларда туриб қоляпти. Шунинг учун бўлса керак, савдо ходимлари тайёрлаган маҳсулотимизни бўлар-бўлмасга брак қилиб, бирлашмага қайтариб юборишяпти. Корхонада эса бунинг учун ҳар ойда биздан жарима ушлаб қолишяпти. Масалан, шу йилнинг февраль ойида цехимиздаги ҳар бир ишчи ҳисобига 7 сўмдан, апрель ойида эса 14 сўм 50 тийиндан жарима тўладик. Шу тўғрими! Биз қачонгача жарима тўлаймиз!

С. НУРИДДИНОВА.

**С. САИДКАРИМОВ,**
**Тошкент кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.**

—7-цех бирлашмамизнинг йирик ишлаб чиқариш участкаларидан саналади. Кейинги йилларда бу ерда маҳсулот сифати кескин яхшиланди, тайёрланаётган буюмларга келаётган рекламациялар камайди. Цехда рекламациясиз ишлаётган, фақат аъло сифатли буюмлар тайёрлаётган потоклар ва участкалар бор. Шунга қарамасдан 1985 йилнинг биринчи ярмида цехнинг айрим буюмлари бир неча марта брак қилинди. Бу буюмларда ишлаб чиқариш характеридаги нуқсонлар борлиги, технология талаблари у ёки бу даражада бузилганлиги сабабли рўй берди. Ҳозир цехда технологик жараёнлар ижроси сифатини яхшилаш, янги, харидоргир бўлган моделларни ўзлаштириш, ишчилар ўртасида ўзаро назоратни кучайтириш бўйича тадбирлар белгиланяпти. Бу ҳеч шубҳасиз цехда, айниқса аёлларнинг сумкалари ишлаб чиқариладиган участкада маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради.

Ишчи С. Нуриддинованинг мактуби 7-цех коллективининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. «Ишчилар ва хизматчилар томонидан сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш билан корхонага етказилган зарарни ундириш тўғрисида»ги Низом ва Ўзбекистон ССРнинг меҳнат тўғрисидаги Қонуни кодексининг 143-моддаси асосида ишлаб чиқилган «Бракчилар тахтаси» тўғрисида»ги Низом мазмуни батафсил баён қилинди. Бу Низомлар коллектив шартнома асосида келишилган ва тасдиқланган ҳамда мустақил банд сифатида шартномага киритилган. Сумка тайёрлаш участкаси ишчиларидан, жарима ушлаб қолинганлиги корхона маъмурияти томонидан ноиложликдан амалга оширилган тадбир эканлиги, стандарт талабларига ва бошқа норматив-техника ҳужжатларга амал қилинса, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш мумкинлиги, бу ўз навбатида жариманинг бекор қилинишига олиб келиши ишчиларга тушунтирилди.

Шу билан бирга цех буюмлари сифатига келган барча рекламациялар таҳлил қилинди. Буюмнинг брак бўлишига сабаб бўлган ҳар бир нуқсон коллектив аъзоларига етказилди, нуқсонларнинг юзага келиш сабаблари, технология ва меҳнат интизомининг бузилиши сабаблари очиб ташланди. Мавжуд нуқсонларни бартараф этиш ва келгусидаги нуқсонларнинг олдини олиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

**КПССнинг навбатдаги XXVII съезди шарафига бошланган зарбдор ўн кунликларда «Компрессор» заводининг Анатолий Степанович Бесстрашних бошлиқ бўлган бригадаси коллективи фидокорона меҳнат қилмоқда. Зарбдор коллектив ҳар бир ўн кунликни муваффақиятли якунлаб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга ҳаракат қиляпти. Бригадада хом ашё материалларидан тежабтергаб фойдаланиш, меҳнат ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш каби бугунги куннинг энг долзарб масалалари ижобий ҳал этиб борилмоқда.**

**СУРАТДА: бригада коллективи.**

**М. Нуриддинов фотоси.**



**• ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ**

### *Бино қайта жиҳозланади*

**Газетхон М. Расулова редакцияга йўллаган мактубида Алиев кўчасидаги собиқ 49-магазин биноси бўш ётганини баён қилган эди.**

**Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғи Ғ. Мансуровнинг жавобида хабар қилинишича, Оҳангарон шоссесида йирик «Газлама кийим-кечаклар» магазини очилиши ва енгил саноат молларини сотиш йирик савдо корхоналарида жамланиши муносабати билан 49-магазин тугатилди. Бўшаган бинода Ҳамза райпишчеторгининг озиқ-овқат молларини қадоқлаш цехи ташкил этилади. Ҳозир ушбу бинони қайта жиҳозлаш юзасидан лойиҳа-смета ишлари бажариляпти.**

### *Йўлланма берилди*

**Газетхон М. Мусаева редакцияга хат йўллаб, фарзандини боғчага жойлаштиришда сансалорликка дуч келганини баён қилган эди. Хат чора кўриш учун шаҳар халқ маорифи Бош бошқармасига юборилган эди.**

**Бош бошқармадан олинган жавобда хабар қилинишича, М. Мусаеванинг аризаси эътибор билан кўриб чиқилди ва унинг истаги қондирилди. Фрунзе районидаги 72-болалар боғчасига фарзанди учун йўлланма ёзиб берилди.**

**• Юрист жавоб беради**

# БАЛОҒАТГА ЕТМАГАНЛАР МЕҲНАТИ

Биз ҳали 18 ёшга тўлган эмасмиз. Лекин меҳнат фаолиятимиз бошланган. Эшитишимизга қараганда бизга ўхшаган ишчи ёшларга қонунчиликда бир қанча имтиёзлар белгиланган экан. Шулар ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Б. ҲАСАНОВ, М, КАРИМОВ, Х. АБДУРАҲИМОВ.

**А. ҲАСАНОВ,**
**Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг жамоатчи инспектори.**

— Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари Кодексининг 200-моддаси 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг ишга қабул қилинишини тақиқлайди. Фақат алоҳида ҳоллардагина корхона, ташкилот, муассаса касаба союзлари комитети билан келишилган ҳолда 15 ёшга тўлган шахслар ишга қабул қилинишига йўл қўйилади.

Меҳнат муносабатларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқи вояга етганларнинг ҳуқуқи билан тенглаштирилади. Меҳнат муҳофазаси, иш вақти, отпуска соҳаларида ва меҳнатнинг айрим бошқа шароитларида вояга етмаганлар қонунларда белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини оғир ишларга, шароити зарарли ёки хавфли бўлган ишларда, шунингдек ерости ишларида қўллаш тақиқланади. 18 ёшга тўлмаган шахслар аввал медицина кўригидан ўтказилганларидан кейингина ишга қабул қилинадилар ва ҳар йили медицина кўригидан мажбурий тартибда ўтказиладилар.

Вояга етмаганларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларнинг дам олиши ва ўқиши манфаатини кўзлаб қисқартирилган иш куни белгиланади. Бунда 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун ҳафтасига 36 соат, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлганлар учун эса ҳафтасида 24 соат бўлади. Олти кунлик иш ҳафтасида 15 ёшдан 16 ёшгача бўлганлар учун иш кунининг муддати —4 соат, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар эса 6 соат бўлади. Агар вояга етмаганлар беш кунлик иш ҳафтаси шароитида ишласалар, уларнинг иш сменаси муддати шунга мувофиқ равишда беш ва етти соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Вояга етмаганларни иш вақтидан ташқари ишларга тортиш тақиқланади. Қонунчиликда, шунингдек бундай ишчиларнинг тунги ишларга ҳамда дам олиш кунлари ишлашга жалб этиш ҳам тақиқланади. Вояга етмаганлар учун кечки смена кечаси соат ўндан кеч тугаши мумкин эмас.

Вояга етмаган ишчи ва хизматчиларга ҳар йили фойдаланиш учун бир календарь ой муддат билан отпуска берилади. Қонун муайян корхона, муассаса, ташкилотда узлуксиз ўн бир ой ишламасдан олдин ходимнинг илтимосига биноан, биринчи иш йилида, яъни аванс тариқасида отпуска берилувчилар қаторига вояга етмаганларни ҳам киритади. Уларга йиллик отпуска ёз пайтида ёки уларнинг ҳоҳишига қараб йилнинг исталган вақтида берилади. Уларга қисқартирилган иш вақти учун иш ҳақи тўлиқ иш кунида ишлайдиган катта ёшли ишчиларникига тенг миқдорда бўлиши таъминланади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш мақсадида уларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишда, ишдан бўшатишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, фақат вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи район (шаҳар) Совети ижроия комитети қошидаги комиссия розилиги билан йўл қўйилади. Қонунда кўрсатилган айрим ҳолларда маъмурият ташаббуси билан вояга етмаган ишчи ёки хизматчи ишдан бўшатилганда уни албатта бошқа ишга жойлаштирилади.

**• Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун**

# НОҚУЛАЙ КЎЧА

Бешёғоч бозори ёнидан бошланувчи 9 январь кўчасида бир томонлама ҳаракат жорий этилган. Бозор ёнида жойлашган автостоянкага кириш ва бозордан бирон нима харид қилиш учун «Ўзбекбирлашув» биноси ёнидан ёки 6-шаҳар касалхонасининг тор кўчаси орқали айланиб келиш керак. Шунингдек, 9 январь кўчасида даволаш физкультураси поликлиникаси, болалар боғчаси, «Техналадка» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Пишчепром» марказий конструкторлик-технология бюроси, босмахона, «Заготживпром», Моделлар уйи каби ташкилот, корхона ва муассасалар жойлашган. Уларга келувчи транспорт воситалари вақтни ва ёқилғини ортиқча сарфлашига тўғри келяпти. 9 Январь кўчасида икки томонлама ҳаракат очилса ёки Моделлар уйигача ҳаракат жорий қилинса анча дуруст бўлар эди.

К. ЖЎРАБЕКОВ, Х. МУҲАМЕДОВ, К. НАЗИРБЕКОВ,
Жами 15 имзо.

**М. ВАУЛИН,**
**Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси бошлиғи.**

— «Пишчепром» марказий конструкторлик-технология бюроси, «Техналадка» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Заготживпром» бир группа ходимларининг мактуби ўша жойга бориб кўриб чиқилди. 9 январь кўчаси бўйлаб ҳозирги пайтда транспорт ҳаракатини икки томонлама йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки йўлнинг ҳаракат қисмининг кенглиги 10 метрни ташкил этади, йўлкалар йўқ. Йўл ёқасида жойлашган ташкилотлардан чиқиш жойлари ҳайдовчиларнинг кўриш имкониятларини чеклайди.

Кўча реконструкция қилиняпти. Ушбу районда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатишни қулайлаштириш ва истисно тариқасида троллейбуслар ҳаракати икки йўналишда ташкил этилган.

ШЕЪРИЙ ЛУҚМА

# «КВАС» У, ЛЕКИН КВАС ЭМАС...

**Ёнбошига жимжимадор қилиб «квас» деб ёзиб қўйилган темир бочкани айланиб ўтаётиб, кўнглингиздан кечадиган гапни биламиз. Роса чанқагандим, бир мазза қиладиган бўлдим, дейсиз. Лекин сотувчи қуруққина қилиб бу квас эмас морс, деса хафсалангиз пир бўлиб, нималарни ўйлашингиз...**

**Ҳозир шаҳардаги ҳамма темир бочкаларга ўхшатиб «Квас» деб ёзиб қўйишган. Шундай чиройли ёзишганки, кўзингиз тушиши билан оғзингизнинг таноби қочиб, танга излашга тушасиз. Ҳаллослаб етиб боргач, эса тумшуғингизнинг тагига морсни суриб қўйишади. Квасчи, дейсиз қизиққон бўлсангиз, ахир шундай деб ёзиб қўйибсизлар-ку! Сотувчи камгапроқ бўлса, кеча квас сотувдим, дейди, жаҳли тез бўлса мен ёзганим йўқ, ёзолмайман, уч синф маълумотим бор, дейди. Лекин стаканни тўлдирмай қуйиб беришига қараганда «маълумоти» тузуккина..**

**16-шаҳар шифохонаси олдида ана шундай сотувчилардан бири ҳали мўйлови ниш урмаган йигитча экан. Йигитчаки, нари борса ўн бешга кирган. Лекин ўн беш йиллик стажи бор морс сотувчидек чаққон, ботир, ўзига ишонган...**

**Бу ерда унинг акаси ишлаши керак. Лекин аканинг «зарур ишлари» чиқиб қопти. Ўрнига ўқувчи укаси «рулга» ўтирибди. Ўрган укам, бу ҳунарда ҳикмат кўп, деган шекилли.**

**Тошкентда бир йил ёз бўйи тўйиб квас ичиб юрган одам топилса оёғига гул тўшаш керак. У билан учрашув уюштириш керак.**

**Энди ўринли бир савол туғилади. Наҳотки, бир ёзгина квасни етарли қилиб тайёрлаш мумкин бўлмаса? Агар ускуналар эскирган бўлса янгилаш керак, олдин оз тайёрланаётган бўлса кўпайтириш керак-да. Қачонгача одамларни алдаш мумкин?..**

Бунга оқшомхонлар нима дейишаркин?




Ёндиради саратон,
Ишга бориш
марафон,
Ишдан қайтиш
марафон...
Квас ичгим келяпти.
Аммо бочка тўла морс,
Ҳамма бочка тўла морс,
Ҳамма «точка» тўла
морс...

Квас ичгим келяпти.
Биров сўрар шоколад,
Биров сўрар лимонад,
Мени эса қиёмат —
Квас ичгим келяпти.
Терлаб-пишиб
борар ёз,
Ёмғир, деб ёлворар ёз,
Ёқар дилни бир ҳавас —
Квас ичгим келяпти...

Боғ қилдим — гулзорга кўрк,
Чўян қуйдим — зарга кўрк,
Уй қурдим — шаҳарга кўрк,
Товариш «Ташлимводторг» —
Квас ичгим келяпти!

Муҳаммад ЮСУФ.

